FARG'ONA VILOYATI TOSHLOQ TUMANI HOKIMINING QARORI

2022 - yil 25 - mart 59-11-160-Q/22 Toshloq tumani hokimligi

Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат кадастрлари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон "Ўзбекистон Республикасининг уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олиш тўғрисида"ги қарори 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган Низомнинг 12-бандига, Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида" ги Қонунининг 6 ва 25-моддаларига мувофиқ,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси Тошлоқ туман филиали (А.Султонов) ушбу қарор билан тасдиқланган "Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби" асосида иш юритилишини таъминласин.

3. Туман ҳокимлиги ахборот хизмати раҳбари мазкур қарорни "Тошлоқ тонги" газетасида расман эълон қилинишини ва ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминласин, ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

4. Мазкур қарор ижросининг назорати туман ҳокимининг биринчи ўринбосари К.Умаров зиммасига юклатилсин.

Tuman hokimi **A.Djurabayev**

Toshloq tuman hokimining
2022 yil 25 martdagi
59-11-160-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби

1.Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилди уй ёки турар жой фойдаланишга қабул қилиниб олинаётганда ёхуд турар жой уй-жой фондига киритилаётганда тузилади.

Кейинги техник ҳисобга олиш уйлар ва турар жойларни вақти-вақти билан режали хатлашлар ўтказиш йўли билан беш йилда камида бир марта, шунингдек режадан ташқари текширишлар жараёнида ҳисобга олиш кўрсаткичлари ўзгаришлари аниқланишига қараб амалга оширилади.

2.Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар мустақил ҳужжатларни ташкил этади.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон Қарори 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида”ги Низомга асосан Уй-жой фонди инсоннинг яшаши учун яроқли бўлган турар жойлар, шу жумладан, уйлар, квартиралар, хизмат турар жойлари, махсус уйлар (ётоқхоналар, вақтинчалик уй-жой фонди уйлари, ногиронлиги бўлган шахслар, фахрийлар, ёлғиз кексалар интернат-уйлари, шунингдек, болалар уйлари ва бошқа махсус мақсадлар учун мўлжалланган уйлар) дан иборат бўлган фонд.

4. Уй-жой фондини ҳисобга олиш техник ҳужжатлар йиғма жилди, рўйхатдан ўтказиш дафтарлари, инвентар ҳужжатлар йиғма жилдида шаклланган рўйхатдан ўтказилган ҳужжатларнинг нусхалари, бошқа инвентаризация ҳужжатлари туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси архивида сақланади.

5. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари туман давлат хизматлари марказига электон мурожаат қилади.

6. Аризалар туман давлат хизматлари маркази томонидан қабул қилиб олинади ва шу куннинг ўзида аризалар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси Тошлоқ туман филиалига электрон тарзда юборилади.

7.Юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг ишончли вакиллари уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси Тошлоқ туман филиали га телекоммуникация каналлари орқали электрон ҳужжат кўринишида ариза беришлари мумкин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлигининг Давлат кадастрлари палатаси Фарғона вилояти бошқармаси Тошлоқ туман филиали архивида сақланаётган кадастр йиғма жилдининг ҳуқуқ эгасига тегишли қисмларидан нусха олинади.

Ушбу нусхалар туман давлат хизматлари марказига электрон шаклда юборилади. Туман давлат хизматлари маркази томонидан ушбу нусхалар ҳуқуқ эгасига берилади.